

МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ҒОВРУЛ УМУР” АСАРИ: ҚЎЛЁЗМА ВА НАШРЛАР

Махмуд Нормуродов

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

АННОТАЦИЯ

Муҳаммад Ҳаким Термизий ҳаёти ва ижодига эътибор охирги вақтларда жиддий ўсди. Чунки бу олим мероси ўзининг серқирралиги билан тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Унда исломий илмларнинг кўпчилиги билан бирга бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам акс этади. Олимнинг шундай асарларидан бири “Ғовр ал-умур” (Ишларнинг асоси) ёки “Ал-Аъзо ван-нафс” (Аъзолар ва нафс) бўлиб, у бир қатор муҳим исломий тушунчалар таҳлилини ўз ичига олган. Ушбу таҳлиллар эса ўз навбатида бир қанча ижтимоий-гуманитар фанларга алоқадорлик касб этган.

Ушбу асар бир неча бор нашр этилган ва унда у турли номлар билан аталган. Ушбу мақолада эса асар нашрлари ва уларда фойдаланилган қўлёзмалар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Бу эса тадқиқотчи ва ўқувчилар учун бу муҳим китобдан фойдаланишларини осонлаштиради.

“Ғовр ал-умур” қўлёзмалари Париж ва Туркиядаги кутубхоналарда сақланиб, уни француз ва араб тадқиқотчилари нашр эттиришган. Уни нашр этишида эса ҳар бир тадқиқотчи маълум меъёрларга амал қилган. Бу эса асар қўлёзмаларидан фойдаланиш, китобни номлаш каби масалаларда намоён бўлади.

Калит сўзлар: *Ҳаким Термизий, Ғовр ал-умур, Париж, Туркия, қўлёзма, нашр, Гобило, Важийҳ.*

АННОТАЦИЯ

В последнее время значительно возросло внимание к жизни и творчеству Мухаммада Хакима Термизи. Потому что наследие этого ученого привлекает внимание исследователей своим многогранностью. Она включает в себя большинство исламских, а также ряд социальных и гуманитарных наук. Одной из таких работ ученого является «Гавр аль-умур» («Основание вещей») или «Аль-А'за ван-нафс» («Человеческие органы и душа»), включающая анализ ряда важных исламских концепций. Эти анализы, в свою очередь, относятся к ряду социальных и гуманитарных наук.

Эта работа была опубликована несколько раз и называлась по-разному. В данной статье представлена подробная информация об изданиях произведения

и использованных в них рукописях. Это облегчает использование этой важной книги исследователями и читателями.

Рукописи «Гавр аль-умур» хранятся в библиотеках Парижа и Турции, издана она французскими и арабскими исследователями. При его публикации каждый исследователь придерживался определенных стандартов. Это находит отражение в таких вопросах, как использование рукописей и присвоение названий книгам.

Ключевые слова: Хаким Термизи, Гавр аль-умур, Париж, Турция, рукопись, издание, Гобило, Ваджих.

ABSTRACT

Recently, attention to the life and work of Muhammad Hakim Termizi has increased significantly. Because the legacy of this scientist attracts the attention of researchers with its versatility. It includes most of the Islamic, as well as a number of social and human sciences. One of these works of the scientist is "Gavr al-umur" ("Foundation of things") or "Al-A'za van-nafs" ("Human organs and soul"), which includes an analysis of a number of important Islamic concepts. These analyzes, in turn, belong to a number of social and human sciences.

This work has been published several times and under various titles. This article provides detailed information about the editions of the work and the manuscripts used in them. This facilitates the use of this important book by researchers and readers.

Manuscripts of "Gavr al-Umur" are stored in the libraries of Paris and Turkey, it was published by French and Arab researchers. When publishing it, each researcher adhered to certain standards. This is reflected in issues such as the use of manuscripts and the naming of books.

Key words: Hakim Termizi, Gavr al-umur, Paris, Turkey, manuscript, edition, Gobilo, Wajih.

КИРИШ

Маълумки, Мовароуннаҳр диёри қадимдан диний илм ва маърифат соҳасида ислом илмларини мумтоз даражагача олиб чиқа олган кўплаб буюк алломаларни етиштирган. Айниқса, бу заминда ўрта асрларда ўз асарлари ва таълимотлари билан бутун жаҳонни лол қолдирган юздан зиёд улуғ зотлар самарали фаолият кўрсатган. Мана шундай машҳур сиймолар силсиласида исломий илмларнинг бир нечтасида асосчи сифатида эътироф этиладиган ислом уйғониш даврининг йирик вакили Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн

Ҳасан ибн Бишр Ҳаким Термизий (тахм. 205-320/820-932) раҳматуллоҳи алайҳ алоҳида ўрин эгаллайди.

Олимнинг ҳар бир асари алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиб, “Ғовр ал-умур” (Ишларнинг асоси) китоби ҳам бундан мустасно эмас. Унда жуда кўплаб масалалар кўрилган бўлиб, умуман, “Ғовр ал-умур” ҳақида дейиладики, у фақат тасаввуфий асар бўлибгина қолмай, балки ислом сиёсий фикрига, яъни, фалсафасига доир энг қадимги ва чуқур таҳлилли асардир. Жумладан, унда инсоний шаҳар ҳақида баҳс қилинган. У киши ўз китобида инсоний шаҳарни уч асосга бино қилади: илоҳий маърифат, адл ва зуҳд. Бу асар бизгача етиб келган бўлиб, қуйида ушбу асарнинг қўлёзма ва нашр нусхалари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД

Асарнинг қўлёзмалари ҳақидаги маълумотларга келсак, Броккелман, Сезгин, Важиҳ ва Заҳрий каби олимларнинг қайд этишича, мазкур рисоланинг учта қўлёзмаси мавжуд:

1. Париж миллий кутубхонасида 5018-рақам остидаги Ҳаким Термизийга тегишли 12 рисоланинг саккизинчиси бўлиб, 112б-128а бетларни ўз ичига олади. Қўлёзма насх хатида битилган бўлиб, бир лавҳада икки саҳифа жойлашган. Саҳифа сатрлари 25, сўзлари эса ўртача 15 тадан. Унинг унвонида: “Ал-Аъзо ван-нафс” деб ёзилган. Париж қўлёзмаси нусхалари Мисрнинг “Дор ал-кутуб ал-мисрийя” кутубхонасида 1817б рақам ва Марокашнинг Работ шаҳридаги Ҳасанийя кутубхонасида 1415б-рақам остида сақланади.

2. Туркиядаги Ашур Афанди кутубхонасида 1479-рақам остида сақланадиган мажмуадаги биринчи рисола бўлиб, 1-26 бетлардир. Бу қўлёзма риқо хатида битилган бўлиб, бир лавҳада икки саҳифа жойлашган. Бир саҳифа 27сатр бўлиб, ҳар бир сатрда 22 тадан сўз мавжуд. Ушбу мажмуанинг олтинчи рисоласи бўлган “Манҳиёт” асарининг охирида “Мажмуа 513/1120 йил Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳожи Али ибн Вали томонидан кўчириб бўлинди” дейилган. Мисрнинг “Дор ал-кутуб ал-мисрийя” кутубхонасидаги 2181б-рақамдаги иккинчи нусха ушбу нусхадан кўчирилган.

3. Туркиядаги Асад Афанди кутубхонасида 1312-рақам остида сақланадиган мажмуадаги иккинчи рисоланинг 33а-74б бетларни ўз ичига олган. Бу қўлёзма нисбатан яқин 1238/1823 йили кўчирилган бўлиб, ҳар бир саҳифада ўртача 19 сатр мавжуд. Бу қўлёзма Париждаги қўлёзма нусхадан кўчирилган¹.

¹Ассад ва Ашур Афанди кутубхоналари Сулаймония кутубхонаси таркибидаги фондлар қаторида саналади (туркчада Асад). Асад Афанди кутубхонаси 1918 йилда Сулаймония кутубхонаси таркибига киритилган.

Ушбу маълумотлардан маълум бўладики, китобнинг Франция ва Туркияда сақланадиган учта қўлёзмаси асосий саналади.

Париж қўлёзма нусхасининг кўчирувчиси Абулҳасан Али ибн Сулаймон ибн Аҳмад ибн Сулаймон Муродий Андалусий Шақрий Фарғилитий, яна Шақурий ҳам дейилади. Шакура – тарихий Андалусиядаги Мурсия ноҳияларидан бири. Шофезий мазҳабининг фақиҳ ва ҳофиз олимларидан. У Шом, Ироқ ва Хуросон ерларига сафар қилган. 544/1149 йил Ҳалабда вафот этган. Париж нусхасида “баъзи асарларни кўчиришдан 94 йил рамазон ойининг 11-санасида фориг бўлинган”и қайд этилганини ҳисобга олсак, демак, бу 494/1101 йил эканлиги маълум бўлади.

МУҲОКАМА

Китобнинг тадқиқ ва нашрлари ҳақидаги маълумотларга келсак, дастлаб, таниқли шарқшунос олимлардан Пол Нвия (1924-1980) “Говр ал-умур”нинг “Лаа илаҳа иллаллоҳ” мавзусига тааллуқли бобини тадқиқ қилиб, “Al-Nakim al-Termidhi et le la ilaha illa-llah” (Ҳаким ат-Термизийнинг “Ла илаҳа иллаллоҳ” сўзи ҳақидаги таърифи) номи билан 1969 йили Байрутда нашр этган. Бу китоб асосан уч мавзудан иборат бўлиб, биринчисида Ҳаким Термизийнинг ҳаёти, “Говр ал-умур” асарининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтган.

Иккинчи бўлимда китобдаги “Лаа илаҳа иллаллоҳ” бобининг арабча матнини келтирган. Дарҳақиқат, Ҳаким Термизий бу бобда “Лаа илаҳа иллаллоҳ” сўзининг форс тилидаги таржималари ҳақида сўз олиб борган бўлиб, ўзи фосид деб эътироф этган ушбу таржималарнинг хато кўринишларини ёритиб берган. Пол Нвия ушбу қўлёзмаларни Басра наҳв мактабининг пасайиш даврда Ҳаким Термизийнинг араб тили ва наҳв илмини пухта ўрганганлигининг далили сифатида эътироф этган².

Учинчи қисмда ушбу матнни француз тилида тақдим этган. Тадқиқотчи ушбу ишда асарнинг юқорида зикр қилинганики: 1 ва 3 қўлёзма нусхасидан фойдаланган.

Кейинчалик мисрлик тадқиқотчи Важиҳ Аҳмад Абдуллоҳ “Говр ал-умур” асарини тўлиқ ҳолда тадқиқ этиб, 1991 йилда “Ал-Аъзо ван-нафс”номи билан Искандариядаги “Дор ал-маърифа ал-жамиъийя” нашриётида “Ақл ва ҳаво” асари билан биргаликда чоп эттирган (1-172-б.).

У ўз тадқиқида Франция Миллий кутубхонадаги қўлёзмадан фойдаланган, чунки унинг таъкидлашича, у аниқ ва тўғри нусха бўлиб, ундаги сўзларравшан ва равондир, бу ўқувчига кўзланган маънони тушунишга ёрдам беради. Унинг

²Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва аниқ аз-замон. – Б.261.

айрим қоғозлари нотўғри жойлаштирилган бўлса-да, ғоялар кетма-кетлиги ва бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги туфайли уларни ўз жойига қайтариш осон. У ушбу нусхани (Б) белгиси билан ифодалаган. Шунингдек, у Ашур Афанди кутубхонасидаги 1479-рақамли қўлёзмага ҳам эътибор қаратган бўлиб, уни (А) белгиси билан ифодалаган. Шунингдек, (А) қўлёзма котиби тўғридан-тўғри (Б) қўлёзма котибидан иқтибос келтирган, шунга қарамай, у жуда кўплаб хатоларга йўл қўйган.

Бироз вақтдан сўнг француз йирик исломшунос олими Женедев Гобило ушбу китобни тадқиқ қилиб, 1994 йили “Говр ал-умур” номи билан Қоҳирадаги “Ал-Маъҳад ал-исламий ал-Франсий лил-асар аш-шарқия” нашриётида “Хавлийят исламия” силсиласининг 28 қисмида чоп эттирган. Олима бундан сал олдин 1989 йили Ҳаким Термизийнинг ижоди бўйича “La pensée d'al Hakim al-Tirmidi (Abu 'Abd Allah Muhammad b. Ali, m. 318/930) ou De la Profondeur des choses” (Ҳаким Термизий қарашлари (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али, вафоти 318/930) ёки Ишларнинг асоси ҳақида) номли докторлик диссертациясини ҳам ёқлаган эди.

Бу тадқиқотда асосан Ашур Афанди кутубхонасида сақланадиган №-1312 рақам остида рўйхатга олинган нусхадан фойдаланган бўлиб, ундан ташқари Важиҳ Аҳмад Абдуллоҳ фойдаланган икки нусхани ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Шунингдек, у мазкур нусха “Говр ал-умур” номи билан сарлавҳаланган бирдан-бир нусха эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган³.

Олима бу асарни фақатгина араб тилида тадқиқ қилиб қўймасдан, уни француз тилига ҳам таржима қилиб, 1996 йили “Le livre de la profondeur des choses” (Ишларнинг асоси ҳақидаги китоб) номи билан нашр эттирган. Шунингдек, китобнинг муқаддима қисмида Ҳаким Термизийнинг ҳаёти, тафаккури ва фалсафаси ҳақида қимматли маълумотлар тақдим қилинган.

Кейинги тадқиқот Аҳмад Абдууроҳим Сойиҳ ва Аҳмад Абдуҳ Иваз томонидан қилинган бўлиб, 1422/2002 йил Қоҳирадаги “Мактаба ас-сақофа ад-динийя” нашриётида “Говр ал-умур” номи билан чоп этилган. Бироқ улар бу ишда мазкур тадқиқотлардан беҳабар эканликларини айтиб, Туркиядаги Ашур Афанди кутубхонасида сақланадиган икки нусха ҳамда Франция Миллий Кутубхонасида сақланаётган нусхага таянганликларини таъкидлашган бўлса-да, ўша қўлёзмаларнинг рақамлари ва жойлашган ўринлари ҳақида маълумот тақдим этилмаган. Шу жиҳатдан бу иш Женедев Гобилотнинг тадқиқотидан кўчириб олинган бўлиши мумкинлиги келиб чиқади⁴.

³Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Б. 174.

⁴Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Б. 174.

НАТИЖАЛАР

Дарҳақиқат, юқорида ўтган маълумотлардан Ҳаким Термизийнинг “Ғовр ал-умур” асари икки хил ном билан зикр қилинганлиги маълум бўлади. Шунингдек, шарқшунос олимлар ўртасида ҳам китобнинг номини ёзишда икки хил йўл тутилганини кўриш мумкин.

Жумладан, етукнемис шарқшунос олими Карл Брокелман (1868-1956) китобни “Ал-Аъзо ван-нафс ва фийҳи тафсири аятин аъзиматин” (Аъзолар ва нафс ҳамда унда улуғ оятлар тафсири бўлган асар) номи билан келтириб, асар икки қисмдан иборат эканлиги ҳақида сўз очиб, биринчиси “Аъзо”, иккинчиси “Ғоврал-умур” эканлигини таъкидлаган⁵. Радтке⁶, Ҳир⁷ ва Фуад Сезгин⁸ ҳамда Жуюший⁹ каби олимлар китобнинг ҳар иккала номини ҳам келтириб ўтишган.

Таниқли тасаввуф олимларидан Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдурахмон Розий (ваф. 353/964) ўзининг “Китабу манорот ас-саирот ва мақомат ат-тоирийн” (Юловчиларнинг маёқлари ва учувчиларнинг манзилгоҳлари) асарида ушбу китобни “Ғовр ал-умур” номи билан зикр қилиб ўтган. Шунингдек, ундан ўзига керакли баъзи фикрларни ҳам олган¹⁰.

Таниқли олим Абдулатиф ибн Муҳаммад Риёзийзода (1021-1078/1612-1667) ўзининг “Асма ал-кутуб” номли асарида ушбу рисола “Ғовр ал-умур” деб зикр қилганлигини кўриш мумкин. Яна шунингдек, Тошқуброзода (901-969/1495-1561) “Мифтах ас-саодат” асарида, Исмоил Пошо Бағдодий (1255-1339/1839-1920) “Ҳадийя ал-орифин”, Юсуф Илиян Саркис (мил. 1856-1932) “Мўъжам ал-матбуъот ал-аробия вал-муъроба” ва Зириклий (мил. 1893-1976) “Ал-Аълум” асарларида рисола “Ғовр ал-умур” номи билан зикр қилишган¹¹.

Шунингдек, ушбу китобни тадқиқ қилган Женедев Гобилот ҳамда Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг йирик тадқиқотчиларидан бири бўлган Холид Заҳрий каби олимлар Ҳаким Термизийнинг ўзи “Шарҳ ас-солати ва мақосидуҳа”¹² ва “Манозил ал-ибад минал-ибада”¹³ номли асарида бу китобни “Ғовр ал-умур” деб зикр қилганлигига ишора қилиб, китобнинг “Ғовр ал-умур” деб номланган бўлиши ҳақиқатга яқинроқдир, деган фикрни билдиришган.

⁵Карл Брокелман. Тарих ал-адаб ал-арабий. 1ж. 375 б.

⁶Bernd Radtke. Al-Hakim at-Tirmidi. P 49, 51.

⁷Nicolas Heer, “Some biographical and bibliographical notes on al-Hakim al-Tirmidhi”.P.129.

⁸Фуад Сезгин. Тарих ат-турос ал-арабий. – Б.147.

⁹al-Geyoushi, Al-Hakim al-Tirmidhi: his works and thoughts.P. 186.

¹⁰Розий. Китаб манорот ас-саирин. – Б.251.

¹¹Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Б.174.

¹²Ҳаким Термизий. Шарҳ ас-солативамақосидуҳа. – Б.65.

¹³Ҳаким Термизий. Манозил ал-ибадминал-ибада. – Б.73.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида қайд этиб ўтиш лозимки, асарнинг Гобило нашри анчайин мукамал саналиб, асарнинг номланиши жиҳатидан ҳам, қўлёзма матнидаги фарқли жиҳатларга кенг урғу берилиши билан ҳам ажралиб туради. Важийҳ Аҳмад нашри ҳам асарда келган тушунчаларга кенг изоҳ берилиши билан ажралиб туради. Булардан эса ушбу китобни ўрганишда мана шу икки нашрдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлади.

“Говр ал-умур” асари Ҳаким Термизийнинг муҳим ва йирик асарларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ўша рисола илмий жиҳатдан ўрганиб, ундаги улкан ғояларни тадқиқ этиб, турли тилларга таржима қилиш бугунги кун олимларининг муҳим вазифаларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан Термизий. Китаб ал-аъзо ван-нафс. Ақл вал-ҳаво. Важиҳ Аҳмад Абдуллоҳ тадқиқи. – Искандария: Дорал-маърифа ал-жамиъийя, 1991.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан Термизий. Говрал-умур. Женевев Гобилот тадқиқи. – Миср: Ал-Маъҳад ал-ислабий ал-франсий лил-асар аш-шарқия, 1994.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан Термизий. Манозил ал-ибад минал-ибада. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003.
4. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ШоҳурРозий. Китабу манорот ас-саирийн ва мақомат ат-тоирийн. – Қувайт: Суад ас-собаҳ, 1993. Биринчи нашр.
5. Карл Броккелман. Тарих ал-адаб ал-арабий. – Қоҳира: Дор ал-маъориф, 1977.
6. VI. Араб тилига Абдулҳалим Нажжор, Саййид Яъқуб Бакр ва Рамазон Абдутаваблар ўгирган. Бешинчи нашр.
7. Nicolas Heer, “Some biografical and bibliografical notes on al-Hakim al-Tirmidhi”, The world of Islam. Studies in honour of Philip K. Hitti. Edited by James Kritzeck and R. Bayly Winder. London, 1959, pp. 182-205.
8. Фуад Сезгин. Тарих ат-турос ал-арабий. Араб тилига Маҳмуд Фаҳмий Мажозий таржимаси. – Риёз: Идора ас-сақофа ван-нашр бил-жамиъа, 1411/1991. II.
9. Bernd Radtke. Al-Hakim at-Tirmidi. – Freiburg: Klaus Schwarz Verlag, 1980.
10. Muhammad Ibraheem al-Geyoushi, “Al-Hakim al-Tirmidhi: his works and thoughts”, Islamic Quarterly, vol. 14, no. 4, London, 1970, pp. 159-201.
10. Холид Заҳрий. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Марокаш: Марказ ад-дироса вал-абҳас ва ихя ат-турос, 2013.